

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2011 йил 7 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

XXI саодоси
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (12.014)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Пойтахтимизда болалар жарроҳларнинг анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда мамлакатимиз олим ва шифокорлари билан бирга, Россия, Франция, AQШ, Қозоғистон, Украина, Беларусь, Тожикистон каби давлатлардан келган мутахассислар иштирок этишди.

- Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида бўлиб ўтган семинар тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига бағишланди.

- «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзбекистон қаттиқ фойдали қазилмаларининг инвестицион салоҳияти» мавзюида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва хоржий давлатлар фирма ва компанияларининг 160 дан зиёд раҳбар ва вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

- Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошидаги Жамоатчилик кенгашининг ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга касб танлашда яқиндан қўмақлашиш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика Халқ таълими вазирилик, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарлари, жамоат тузилмалари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

- Шахрихон туманида 65-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур замонавий мактабни бунёд этишда «Rich Trade» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 2 миллиард 165 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

- Қўшрабат туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Заркент бахт савдо» масъулияти чекланган жамиятида модернизация жараёнларидан сўнг янада сифатли мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий дизайндаги қорхона маҳсулотлари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишида кўл келмоқда.

- Наманган шаҳрида «Баркамол авлод» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. 4,5 гектар майдонни эгаллаган мазкур мажмуадан очик стадион ва ёпиқ сузиш ҳавзаси ўрин олган.

- Фаргона шаҳрининг «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини худудида барпо этилган иккита болалар майдончаси фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

- Япония пойтахти Токио шаҳрида маийш электроника маҳсулотларининг кўргазмаси ўтказилмоқда. Тадбирда асосий эътибор энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган. Бундан ташқари ядровий ҳавфсизликни таъминлаш ҳам асосий мавзулар қаторидан ўрин олган.


- Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган торнадо оқибатида бир бола ҳалок бўлган ва қарийб 200 киши жароҳатланган. 500 тадан ортиқ уй бутунлай вайрон бўлиб, оқибатда юзлаб кишилар бошпанасидан айрилган. Хабар қилишларича, бинолардан бирининг девори саккиз ёшли боланинг устига кулаб тушган ва у шифохонага олиб кетилган пайтда ҳаётдан кўз юмди. Шифокорлар жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

- Хитойнинг Нанкин шаҳридаги металлургия заводида рўй берган нохуш воқеа сабабли ишчи-ҳодимлардан 11 нафари ҳалок бўлди. Хабарларда айтилишича, эритиш печидан суюқ металл ташқарига оқиб чиққан. Оқибатда у ерда бўлган ишчилардан фақат икки нафари омон қолди. Улардан бири ҳозирда шифохонада даволанаётган. Ҳозирча фожиага нима сабаб бўлгани маълум қилинмаган.

- Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпиони қизгин паллага кирди. Боку рингларига дунёнинг 110 дан зиёд мамлакатидан ташқари буюрган 600 га яқин чарм кўлқоп усталари ўз омадини синаб кўрмоқда.

- Францияда лотерея ютуғи бўйича янги рекорд ўрнатилди. «Франс инфо» тарқатган хабарга кўра, навбатдаги жек-пот 162256622 еврони ташкил қилган ва Қуйи Нормандиянинг Кальвадос департаменти фуқаросига насиб этган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бугунги кун талаблари мос қурилиш ашёларининг ўзимизда тайёрланаётгани ва уларнинг халқаро андозаларга мослиги замонавий иншоотлар қад ростлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўшма корхоналарда

БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ўз маҳсулотлари билан салмоқли ҳисса қўшаётган «2-сон темир бетон маҳсулотлари заводи» очик акциядорлик жамияти кўшма корхонасида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, цехларни техник қайта жиҳозлаш ишлари босқичма босқич олиб борилмоқда.

Британиялик ҳамкорлар билан шерикликда фаолият юритаётган мазкур корхонада бунёдкорликда кенг қўлланиладиган мувофиқлик сертификати эга турар жой ва жамоат ишлаб чиқариш бинолари учун кўп бўшлиқли олдидан эъриктирилган темир-бетон ёлпа плиталари ишлаб чиқарилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, «Асакабанк»дан олинган кредит ҳисобига Испания ва Италиянинг ишлаб чиқариш линиялари келтирилиб ўрнатилганлиги маҳсулот сифати ва турларини кўпайтириш баробарида кўшимча иш ўринлари яратилиши ҳам муҳим роль ўйнади. Ҳозирда жамоа ишчи-хизматчиларининг сони 100 нафардан 250 нафарга ортганлиги буни яққол исботлаб турибди. Ишлаб чиқарилаётган темир-бетон плиталарининг тури 130 дан ортиқни ташкил этади.

— Мамлакатимиздаги кўлаб қурилиш ташкилот ва компаниялари асосий буюртмачиларимиз сирасидан бўлиб, уларнинг буюртмаларини сифатли ва вақтида адо этиб, кенг турдаги темир-бетон конструкцияларини етказиб берамиз, — дейди корхона бош муҳандиси Қодир Умаров.

— Пудрат ташкилотларининг ҳар қандай мураккаб турдаги буюртмаларини тайёрлаб бериш имкониятига эгамиз. Бунинг учун давр билан ҳамнафас бўлиб, илғор технологиялардан оқилона фойдаланаямиз. Ишлаб чиқариётган маҳсулотларимиз сифат менежменти тизимининг ISO — 9001 ва ISO 14001 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради. Кейинги йилларда корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми 5-6 баробарга ошганлигини айтиш лозимки, бу албатта, мустақиллик шарофати билан юртимизда бунёдкорлик ишлари кўламининг кенгайиши самарасидир. Энг асосийси эса талаблар даражасидаги темир-бетон маҳсулотларимиз мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаб, мамлакатимиз кўркини оширишга муносиб ҳисса қўшишга интиляётганимиздир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, корхонада модернизация ва участкаларни таъмирлаш, қайта техник жиҳозлаш ишлари режа асосида давом этмоқда. Автомобиль паркни техник жиҳозлаш, Италиядан Европа стандартларига мос янги технологик линия келтириб ўрнатиш, ишлаб чиқариш қувватини ҳозирги 60 фоиздан тўла қувват билан ишлашига эришиш, маҳсулотнинг энг замонавий турларини тайёрлаш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ана шулар жумласидандир. Бу борада тадбиркорларга «Асакабанк» билан ҳамкорлик яхши самара бериши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат

Рим шаҳрида жойлашган «Regis» меҳмонхонасининг мустаҳкам маросимлар залида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрамига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу байрам тадбирида Италиянинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт-тахлил ва илмий-академик доиралари, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Римда аккредитациядан ўтган қатор хоржий мамла-

иктисодий фаоллик билан изоҳланадиган мақоми мустаҳкамлашда давом этмоқда. Мамлакат бой маданий-тарихий меросга эга бўлиши билан бирга республикада кенг қамровли малакали инсон ресурслари, салмоқли табиий заҳиралар ҳамда ривожланган транспорт инфратузилмаси ҳам мавжудки,

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГАДИР»

катлар дипломатия миссияларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Италия президентининг маслаҳатчиси С. Стефанини байрам кечасининг фахрий меҳмони бўлди.

Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, республикамизда мустақиллик йиллари давомида эришилган ютуқ-муваффақиятлар, демократия, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий жиҳатлари тўғрисида атрафлича тўхталди.

Сўнгра Италиянинг Осие ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари тадқиқотлари институтининг бош қотиби Антонио Локега «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони тантанали равишда тақдим қилинди.

А. Локе ўзига кўрсатилган эътибор учун республикамиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этар экан, бундай юксак мукофотга сазовор бўлиш катта шараф эканлигини қайд этди.

— Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хоржий мамлакатлар билан дўстона кўшничилик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни қуриш асосидаги ташкисий стратегия муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда, — деди бош қотиб. — Бугунги кунда республика бу мақсадига эришгани ҳолда дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб турибди.

У, шунингдек, Ўзбекистоннинг келажакдаги истиқболли тараққиётига ҳам қўшимча ишонч билдирди. «Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг сиёсий ва

буларнинг барчаси унинг салоҳияти қандай эканлигидан яққол далolat беради», деди А. Локе.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон раҳбариятининг демократик жамиятни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, турли соҳаларни либераллаштириш, шунингдек, ёш авлодни қўлаб-қувватлаш, таълим тизимини ривожлантириш, ўзбек халқининг тарихий қадриятларини қайта тиклаш, ўзига хос миллий маданиятни асраб-авайлаш юзасидан кўраётган чора-тадбирларига юқори баҳо бердилар.

Жумладан, «Италия жануби ЮНЕСКО» уюшмаси раиси, Сиракуза провинцияси маъмуриятининг раҳбари Николо Боно Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини қутлуг сана билан самимий табриқлар экан, мамлакатимиз 20 йиллик мустақил ривожланиш даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида салмоқли натижаларни қўлга кириштишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлади.

«Ўзбекистоннинг ўз йўлини ўзи белгилаётгани, олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ўзи танлаётгани дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди», дея баёнот берди у.

Италия парламенти куйи палатаси депутаты, «Озодлик халқ» партияси мувофиқлаштирувчисининг ўринбосари Агостино Гилья ўтган йилги йил мамлакатга куч-қудрат тўплашга, халқ ўзлигини англашига, жаҳон сахнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига имкон берди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТОКИОДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Токиода Япония жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Ўзбекистон маданияти, санъати ҳамда сайёҳлик салоҳиятининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Япониянинг халқаро дўстлик маркази томонидан мамлакатимизнинг дипломатия ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Тақдирот чоғида меҳмонлар Ўзбекистоннинг халқ амалий санъати, ўзбекиона миллий либослар ҳамда мамлакатимизнинг маданий мероси ва тарихий шаҳарлари, улар бағридаги диққатга сазовор жойлар тўғрисидаги маълумотлар билан атрафлича танишдилар.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларга юқори баҳо беришгани ҳолда бундай ўзаро алоқаларнинг тарихи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалишини қайд этдилар. Шу билан бирга, улар Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва бой маданияти япониялик сайёҳларни тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини таъкидлашар экан, бундай маданий тадбирларнинг ўтказиш турилиши ўзаро маданий мулоқотларнинг ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилишини айтдилар.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

- ✓ КАМОЛИДДИН Беҳзод мемориал боғ-музейида «Ибн Сино» халқаро жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида «Ибн Сино — менинг та-

савурида» мавзусида ёшлар бадий кўргазмаси очилди.

- ✓ ТАРМОҚ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тадбиркор-

лар учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» Давлат дастури ижросига бағишланган амалий-услубий машғуллар ўтказилди.

- ✓ ЭРТАГА Тошкент Халқаро Вестминстер университети битирувчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Шаҳар хўжалиги мавзуида

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Пойтахтимиз кундан кунга чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Таҳририятга ҳамшаҳарларимиздан келаётган мактублар, бўлаётган кўнгироклар, уларнинг пойтахтимиз обод ва кўркамлигини ошириш, намунали хизмат кўрсатишни ташкил этишда фаол эканликларини яна бир бор исботлаб турибди. Уларнинг дил изҳорлари билан танишиб, ўзингиз ҳам бунга яққол гувоҳ бўласиз.

Дилдаги гаплар

ИБРАТ – ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Карим Орзиев, кўп қаватли уйда яшовчи меҳнат фахрийси: — Шунингдек, ҳар биримиз ўз яшаётган уйимизни авайлаб-асраб, ободлигига кўлимиздан келганча ҳисса қўшсак, фойдадан холи бўлмайди. Шу ўринда яна бир фикримни айтиб ўтаман. Шаҳримизда кўп қаватли уйларда ҳам обрўли инсонлар, тадбиркорлар, махалла-кўй орасида хурмат қозongan кишилар яшашиди. Улар ўз иш жойларида ибратли ишларни бажариб, ободликка муносиб ҳисса қўшишмоқда. Тўғри, махалла-кўйга қайшидиган, яшаб жойларида ҳам яхши ишларга бош-қош бўлаётган инсонлар кўпчилигини ташкил қилади. Бошқалар ҳам «Ибрат — гўзал фазилат» деган иборлага аман қилиб, истиқомат жойлари ободлигига ҳисса қўшсалар, нур устига аъло нур бўларди ва албатта, кўпчилиги бу яхши фазилатдан ибрат оларди.

фарзандларимиз тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ҳар биримиз ўз яшаётган уйимизни авайлаб-асраб, ободлигига кўлимиздан келганча ҳисса қўшсак, фойдадан холи бўлмайди. Шу ўринда яна бир фикримни айтиб ўтаман. Шаҳримизда кўп қаватли уйларда ҳам обрўли инсонлар, тадбиркорлар, махалла-кўй орасида хурмат қозongan кишилар яшашиди. Улар ўз иш жойларида ибратли ишларни бажариб, ободликка муносиб ҳисса қўшишмоқда. Тўғри, махалла-кўйга қайшидиган, яшаб жойларида ҳам яхши ишларга бош-қош бўлаётган инсонлар кўпчилигини ташкил қилади. Бошқалар ҳам «Ибрат — гўзал фазилат» деган иборлага аман қилиб, истиқомат жойлари ободлигига ҳисса қўшсалар, нур устига аъло нур бўларди ва албатта, кўпчилиги бу яхши фазилатдан ибрат оларди.



ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ

Пойтахтимиздаги иқтисодий тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, бу борада намунали фаолият юритаётган хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари, махалла фуқаролари йиғинлари ва бошқа ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, тақдирлаш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2011 йил 9 сентябрда «2011-2012 йил куз-қиш мавсумига тайёрларлик кўрилиши муносабати билан ўтказилар диган кўрик-танловни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, кўрик-танловнинг туман босқичи голибларини шу ойларда, шаҳар босқичи голибларини эса ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида тақдирлаш белгиланади.

КўРИК-ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАДИ:

- «2011-2012 йил куз-қиш мавсумига намунали тайёрларлик кўрган махалла фуқаролар йиғинига»: битта биринчи ўрин учун — шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва меъбел жамламаси; учта иккинчи ўрин учун — диплом ва телевизор; бешта учинчи ўрин учун — диплом ва принтер техникаси. «Энг намунали хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатига»: битта биринчи ўрин учун — шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва компьютер жамламаси; учта иккинчи ўрин учун — диплом ва телевизор; ўнча учинчи ўрин учун — диплом ва факс аппарати. «Энг намунали бошқарув сервис компаниясига»: битта биринчи ўрин учун — шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва меъбел жамламаси; битта иккинчи ўрин учун — диплом ва телевизор; битта учинчи ўрин учун — диплом ва телевизор.

Қиш тайёрларликни ёқтиради

ПУХТА ТАРАДДУД — СИФАТЛИ ХИЗМАТ ГАРОВИ

Қиш кунлари яқинлашгани сайин аҳолининг, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг кўнглидан «Уйларимиз иссиқ бўлармикан?» деган савол ўтиши табиий. Негаки, хонадон эгаларининг мавсумга тўрган пухта ҳозирлиги марказлашган иссиқлик таъминоти томонидан кўрсатиладиган сифатли хизмат билан уйғунлашса, албатта натижа қутилганидек самара беради ва уйлар иссиқ, кўнгли хотиржам бўлади.

— Бирлашмада ҳар йили бу борадаги саъй-харакатлар белгиланган режа асосида амалга оширилади, — дейди «Тошиссиқликкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси бош директори вазифини бажарувчи А.Нурмухамедов. — Жорий йилда ҳам 2011-2012 йилги куз-қиш мавсумига тайёрларлик тўғрисидаги чора-тадбирлар режамизни тузди. Ва уни пухта бажаришга интиляемиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимики, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва ширимиздаги иссиқлик тармоқлари орқали ётказиб бериш, истемолчиларни иссиқлик энергияси билан сифатли, ишончли ва узуқсиз таъминлаш бирлашма-нинг асосий фаолияти саналади. «Тошиссиқликкуват» ИЧБ унитар корхонаси тасаруфидан 1352,735 километр канал иссиқлик тармоқлари, шу жумладан 257,7 километр канал магистрал тармоқлар ва 1095 километр каналдан зийд тарқатувчи иссиқлик тармоқлари мавжуд. Иссиқлик тармоқларига 13189 та бино, шу жумладан 9074 та кўп қаватли турар жой биналари, 636 та даволаш муассаси, 482 та мактаб, 599 та болалар боғчаси, 585 та олиё ва ўрта махсус таълим маскани, 1813 та ижтимоий таъминот объекти уланган. Уларга мавсумда сифатли ва мунтазам хизматни таъминлашда, албатта, кўрилган тарраддуднинг ҳиссаси катта. Жорий йилда бажарилган ишлар ҳиссида тўхталиш жоиз бўлса, махаллий қозонхоналарни мукамал таъмирлаш режасига кўра 20 та қозон тўдан, «ТТЗ», «2-ИМ», «Корасув», «Водник», «Саноатэнерго» йирик иссиқлик манбаларида 13 та, шунингдек, махаллий қозонхоналарда 487 та қозон жорий таъмирланди. Режадагидан ортқ — 20,98 километр эскирган қувур қайта ётказилди, 20 километрдан зийд қувурнинг иссиқлик изоляцияси тикланди. Иссиқлик тармоқларини намунавий мукамал таъмирлаш режаси бажарилиб, 2525 та иссиқлик камераси, 1235 та салъикли компенсатор таъмирланди. Шунингдек, бажарилиши лозим бўлган барча вазибалар муваффиқиятли удаланди. Айни пайтда эса қувурларда синовлар ўтказилгандан сўнг нозик жойлар аниқланиб, носозликлар ўз вақтида барараф этилмоқда.

ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

Наима Хотамова, уй бекаси: — Биз ўзимиз яшаётган кўп қаватли уйдаги аёллар ўзаро келишиб олганмиз. Йўлларнинг, ховлиларни ўзимиз тозалаймиз. Қиз ва келинларимизни ҳам бу ишга ўргатамиз. Шу боис бўлса керак, ўйимизда саранжом-сариталик, озодалик ҳамisha ҳукмор. Энг муҳими эса бу ишдан ҳеч ким четда турмайди. Лекин шу ўринда айтишим керакки, баъзан бошқа кўп қаватли турар жой биналарида яшовчи танишларимизга меҳмонга бориб қолсам, ховли ва йўллардаги тартибсизликлардан кўнглим ранжиди. Хонадон ашги тагини тоза тутмайдиган, озодаликка эътибор бермайдиган уй бекаларига ниима дейсиз? Хоҳ ишлаймизми, хоҳ уйдимизми — биз аёлларга ҳос ибратли фазилат бу озодалик. Ахир барчамизнинг яхши ниятлар билан ўстираётган ўғил-қизларимиз бор. Қизларимизга совчи келиб, кутлуғ уйларга келин бўлади, хонадонимизга келган келинларимиз эса покизаликни биздан ўрганади. Шу боис ҳам, азиз аёллар, овозингизни оstonа-ларимиз орасталги ва покизалигига қаратайлик. Негаки азиз хонадонимизга мана шу оstonани босиб, қадам ташлаймиз. Қадамларимиз билан ўйимизга яхшилик ва покизалик кирса, дилимиз ҳамisha нурафшон бўлади.

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАЙЛИК

Гулчеҳра Умирова, ҳамшира: — Ҳар тонг эрта туриб, ишга кетиш олди-дан уй хоналарини шомоллатиш, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш мақсадида деразаларни очаман. Кузининг соф ҳавоси ҳузур бағишлаб, кайфиятингизни кўтаради. Лекин кун кеча бўлиб ўтган хозлатдан дилим ранжиди. Деразаларини очишим билан бир зумда хоналар тоза ҳавога эмас, тўтунга тўлди. Хайрон бўлиб, ховлига қарасам, рўпарамизда уйда яшовчи кўшим сугуриб тўппаган хазонларини ёқиб юрибди. — Синглим, хазонларни ёқиш мумкин эмаслигини биласизми? — дедим олдига бориб. — Ахир бу инсон саломатлигига зарар. Сиз эса эрталабдан уйларни захарга тўлдирарасиз, хавони бузиб, атроф-мухитга зарар етказарасиз. — Ниима қилибди, ҳозир бир зумда ёниб ётгани, — деди у бепарво оҳангда, — шуни ҳам ахлатга бориб юрамани, овора бўлиб...

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Хайдар Турдиев, хизматчи: — Бугунги кунда хонадонларимиз нурафшон — чунки электр энергиясидан беиннат фойдаланамиз. Айниқса, «зангори олов» жонимиз ҳузори. Ҳаётимизни ана шу бебаҳо неъматлардан тасаввур эта олмаймиз. Бир кун, ҳаттоки бир соат улар бўлмай қолса, жиғийбор бўлиб кетамиз, кетма-кет мутасадди ташкилотларига кўнгирок қилиб, суриштирув бошлаймиз... Лекин ҳаммамиз ҳам ана шу фойдаланилган электр токи, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув ҳақини вақтида

тўлаймиз, деб айта олмаман. Мана биргина мен яшаётган уйда айрим хонадон эгалари қарздорликдан уялишмайди. Қачонки, уйга хизмат кўрсатиш ташкилотидан ходим ёки суддан қозғ келмагунча бепарво юриши мумкин. Энг асосийси эса қарзни тўлаш фарз эканлигини унутган бу кишилар тўловга қурб етмайдиган даражада эмас, балки имконияти, шароити ҳам бор. Вахонларни, уларнинг ўзи биринчи навбатда кўшиларга ибрат кўрсатиши лозим эмасми? Менимча, ана шундайларни махалла-кўй олдида уялтириш лозим. Токи янаги сафар лоқайдликка чек қўйиб, хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашарми...

АЗИС ҲАМШАҲАРЛАР!

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар кўпчилигимизнинг дилимиздаги гаплар. Шу боис ҳам ҳеч ким бундай ҳолатларга лоқайд қарамаслиги лозим. Шунингдек, таъкидлашим лозимки, айни кунларда таҳририятимиз журналистлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда жойларда бўлиб, барча соҳаларда, жумладан уй-жой-коммунал, ободлаштириш борисида олиб борилаётган ибратли ишлар, қиш мавсумига тайёрларлик йомушлари, шунинг баробарида айрим жойлардаги йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, вазибаларни адо этишдаги сусткашликларга гувоҳ бўлишмоқда. Эришаётган ҳар бир ютугимиз ўзимизники, бундан беҳад қувонамиз. Лекин ушбу муваффиқиятларни янада мустаҳкамлаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз даркор. Шу боис ҳам бу борада сизларнинг ишаётган жойингизда, меҳнат жамоангизда амалга оширилаётган ишлар, ободчилик йомушлари, қиш тайёрларлиги ҳақидаги мактубларингиз, кўнгирокларингиз, айрим камчиликлар хусусидаги фикрларингиз, уларни енчи йўлидаги тақлиф-мулоҳазаларингиз бизга катта ёрдам беради. Зеро, ободлик кўнглидан бошланади.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ ЙЎЛЛАҒ ЭКИ 233-45-84, 233-55-84 ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ОРҚАЛИ ҚЎНГИРОК ҚИЛИНГ.

Сўраш, жавоб берамиз ШИРКАТНИНГ МОЛ-МУЛКИ Хусусий уй-жой мулкдорлари шirkат-

тининг мол-мулки нималардан иборат? Муносиб Жўраева, Учтепа тумани «Ширкатнинг мол-мулки пул маблағлари, биналар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ҳамда шirkат маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ускуналарда олинган ўзга мол-мулкдан, шунингдек ширкатнинг ер участкасидаги қўқаламзорлаштириш ва ободлаштириш элементларидан иборат бўлади», деб кўрсатилган

Ширкат аъзоларининг мажбурий тўловларига нималар қиради? Мохиниса Ботирова, Юнусобод тумани — Юқоридаги Қонуннинг 31-моддасига қўра, шirkат аъзолари ўзларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўлайдиган ҳар ойлик тўловлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Уларни тўлаш муддати ва миқдори қонун ҳужжатларида ҳамда коммунал хизматлар кўрсатувчи қортулар жойлар (ижрочилар) билан тузилган шартномалар асосида белгиланади.

«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГАДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда) «Ўзбекистон жаҳондаги глобал ўзгаришлардан ҳамда ўз стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритаётган, ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олган суверен мамлакатдир», деб ҳисоблайди эксперт. Италиядаги «Юниверсал Энерджи» компаниясининг раҳбари Паоло Ивальди фикрича, Ўзбекистон раҳбариятининг юқори технологияларни ривожлантириш, ўзининг илмий-интеллектуал, шунингдек, транспорт коммуникацияси соҳаларидаги салоҳиятини амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларнинг кенг миқёсда жалб этилишига қўмақлашади. Италиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Иоланд Брунеттининг қайд этишича, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳуқуқий заминларини яратиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди, унинг халқро майдонда фаолият кўрсатиш аниқ концепцияси шаклланди ҳамда бу соҳада кенг фаолият юритиш учун зарур бўлган институциявий тизим барпо этилди. «Мустақиллик йиллари давомида ташқи сиёсий фаолиятни шакллантириш бўйича олиб борилган кенг миқёсли ишлар республика тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имконини берди», деди дипломат. Италияда нашр этиладиган «Форум Интернейшл» журнали муҳаррири Габриэле Ратини ушбу тадбир ўзига ҳослиги билан бошқаларидан ажралиб туришини, бунинг сабаби эса унинг миллий ранг-баранглиги, ўзбеккожа жозибали рақсларнинг ижро этилгани, миллий ҳунармандчилик санъати кўргазмасининг намойиши, мамлакатнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ахборот материаллари етарли даражада тақдим этилгани билан изоҳланишини айтди.

«Жаҳон» АА Рим

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК Салоҳияти Токиода тақдим этилди

(Давоми. Боши 1-бетда) Япония Халқро дўстлик маркази бош котиби Масаси Ватабе Ўзбекистон халқини ўз мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан табриклар экан, ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, маданий-тарихий мероси ҳамда республиканинг сайёҳлик салоҳияти билан япон жамоатчилигини яқиндан таништириш мақсадида ушбу марказ Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирларни уюштирганини қайд этди. У ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш юзасида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган гамхўрликни юқори баҳолаши баробарида маданий-гуманитар алоқалар, шу жумладан, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон — Япония муносабатларидаги фаол ривожланиб бораётган, устувор йўналишлардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Давлат хизматчиларини қўллаб-қувватлаш Япония жамоатчилигининг вакили Сейдзи Сайто Ўзбекистон Шарқ ва Фарбни боғлаб турадиган Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани хусусидаги фикрларини ўртоқлашар экан, «мазкур муҳим тарихий йўлнинг шарқий сўнги нуқтаси Япониянинг Нара шаҳрида» эканлигини қайд этди. У бир неча йил олдин Ўзбекистонга боришга муяссар бўлгани ҳамда кўхна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги бетакрор маданий ва меъморий ўзига хосликлар, шунингдек, ўзбек халқининг оққўнгиллиги ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлгани ҳақида тўлқинлиб гапирди. «Уша кунлар менда жуда катта таассурот қолдирган», деди у. «Japan Project-Industry Concil» департаменти менежерининг ўринбосари Хитомо Намба мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ ўзбек халқи тарихи ва маданиятига ўзида катта қизиқиш уйғонганини билдирди. У тақдирот чоғида Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти билан янада чуқур танишгач, тарихан жаҳон цивилизацияси маркази сифатида хизмат қилган мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари — Бухоро ва Самарқандни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи туғилганини маълум қилди. У, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти ва сармоявий имкониятлари билан япон компаниялари вакилларини бундан кейин ҳам яқиндан таништириб бориш ниятида эканлигини билдирди.

«Жаҳон» АА Токио

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган маросимда Муздоффа ва Ички ишлар вазирликлари маъсул ходимлари, ҳарбий спорт мактабларининг профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий спорт синфлари ва ватанпарварлик клублари тарбияланувчилари қасамёд қабул қилишди.

КИЧИК КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

Мамлакатимизда ҳарбий-спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш, ҳарбий таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этиш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётган. Ёш ўғлонлар учун ақлий ва жисмоний чиниқиш даргоҳига айланган ҳарбий-спорт мактабларида ёшлар жисмоний баркамолликка эришишдан ташқари, замонавий ҳарбий техника ва технологиялар билан ишлашни ўрганишмоқда. Анъанавий равишда ўтказиб келинган қасамёд қабул қилиш маросими мард ўғлонларнинг Ватанимиз ҳудудий дахлсизлиги, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашдаги аҳамияти ҳамда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳи-

ятини ёшлар онгига сингдиришда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омили бўлади.

Маросимда Ҳамза туманидаги 161-ва 153-, Юнусобод туманидаги 250-, Яккасарой туманидаги 172-ҳарбий-спорт мактаблари, Ички ишлар вазирлиги қошидаги 319-махсус мактаб-интернати, Қирай туманидаги 2, Чирчиқдаги 10-сонли ҳамда Ангрен шаҳридаги 80-сонли ҳарбий мактаб ўқувчилари иштирок эттишди.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 10-сонли ҳарбий мактаб ўқувчиси Дилшодбек Исмоилов. — Ота-онам қизиқиларимни инобатга олиб, ушбу билим даргоҳига олиб келишди. Мурақабат имтиҳонлар асосида бу ерга ўқишга қабул қилинган. Мактабда асосий вақтимизни ҳар-

бий ихтисослаштирилган дарс машғулотлари ва спорт мажмуаларида ўтказамиз. Нутқ маданияти, компьютер саводхонлиги каби тўғрақарак кўрсатиладиган мазмун бағишлайди. Таълим даргоҳимизда ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари, викториналар, ижодий беллашувлар ўтказилмоқда. Мақсадим, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлиш. Ҳарбий қасамёд қабул қилар эканман, юртимга чинакам содиқ фарзанд, фидойи ва мард ўғлон, оила ва ота-онамга, Ватанимга нафи тегадиган инсон бўлишга ваъда бераман.

Ҳарбий спорт мактабларида ўзининг интилиши, намунали хулқ-атвори билан барчага ўрнак бўлган ва ҳарбий сабоқларни пухта ўзлаштири-

ган ўқувчилар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан тақдирланишди. Шунингдек, иштирокчилар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти музейига экскурсия уюштиришди.

Бундан ташқари, тadbирда Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий спорт мактаби тарбияланувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилиб, «Грюза» клуби аъзоларининг спортнинг ушбу ва «Nippon Kempō Remei» клуби аъзоларининг япон кўл жанги бўйича ҳаракатлари, Юнусобод туманидаги 250-ҳарбий мактаб ўқувчиларининг акробатика ўйинлари, 2-муруват ўйи тарбияланувчиларининг кўргазмали стендлари йилгиларларда катта қизиқиш уйғотди.

**Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»**



Козим Ўлмасов олган сурат

Музейларда

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши музейлар фаолиятида ҳам янги давр бошланишига олиб келди. Жумладан, Республикаимизнинг салоҳиятини ва нуфузли илмий, маданий- маърифий маркази ҳисобланган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи 1943 йилдан бунён Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибига фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ушбу музей Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 203-сон қарорига мувофиқ мустақил илмий тадқиқот муассасаси сифатида қайта ташкил этилди ва 1994 йил 5 августдаги қарорига биноан унга «Давлат музейи» мақоми берилди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Ватанимиз тарихини қадимдан то шу кунгача босиб ўтган йўлини, турмуш тарзини яққол кўрсатиб берувчи республикада ягона ҳисобланади.

Президентиимизнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига биноан Ўзбекистон тарихи Давлат музейи музей фондлари, экспозицияларини қайта қуриш, чет давлатларнинг йирик музейлари билан шартномалар тузиш ишларини ўз ўрнида амалга ошириб келмоқда. Яқиндагина бўлиб ўтган Корея Республикасининг Этнография музейи билан ҳамкорликда ташкил этилган «Кореянинг анъанавий маданияти» номли кўргазма ҳам юқоридаги фикримизга яққол мисолдир. Ушбу кўргазма Корея Республикаси ва мамлакатимиз ўртасидаги кўп асрлик маданий ҳамкорлик алоқалари давом этаётганлигининг исботидир.

— Жаннатмақон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига 20 йил тўлган бўлса, мана шу 20 йил ичида музейимиз жуда ҳам кўп ижобий натижаларга эришди, — дейди музей директори, тарих фанлари доктори Жаннатхон Исмоилова. — Республикаимиздаги кўпгина шаҳарлар, алломуларимизнинг таваллуд қилган бағишланган юбилейларида музейимизга қатнашади. Айниқса, мана шу саналарга бағишланган китоблар, альбомлар ва кўргазмалар тайёрлашда ҳам музейимиз хазинасидаги осорни атиқаларимиз билан мунтазам иштирок этиб келамиз. Бундан ташқари, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган кўргазма ва Қарши шаҳридаги «Ўлка-шунослик» музейини қайтадан ташкил этишда, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган, пойтахтимизнинг «Шаҳидлар майдони»даги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейларини ташкил этишда, «Қуролли кучлар» музейини янгилашда ҳодимларимиз ўзларининг билим ва тажрибалари билан фаол иштирок этишди. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, музейимизнинг ҳозирги кундаги энг асосий мақсадларидан бири бу — мустақил Ўзбекистон диёрида ҳам бошқа ривожланган мамлакатларники каби, ҳаттоки, уларникидан-да яхшироқ «Болалар музейи»ни ташкил қилишдир. Бундан кутиладиган натижа шуки, болаларда фикрлаш, қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш, ақли ва тафақурини бойитиш. Бу музей 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган бўлиб, болажонлар бу ерда археология ўзи нима, музейни беэзаб турган бу осори-атиқаларни ким, қандай топган? — деган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб топадилар, ҳар бир экспонатни ўз кўллари билан ушлаб, қадимий буюм эканлигини орадан хис қилиб кўрадилар. Музейнинг ўзида кичик археологик экспедициялар ташкил қилиб, унда шахсан иштирок этадилар, қадимий ҳунармандчиликда ўзларини сынаб кўрадилар. Ота-боболаримиз ҳаётлари давомида яратган моддий-маънавий меросимизни асраб- авайлашга ўрганидилар.

Музейга ташриф буюрувчилар статистикасига назар соландиган бўлсак, 2006 йилда ўқувчилар сони 2000 тани ташкил қилган бўлса, 2010-2011 ўқув йилларида 62000 тага етган ўқувчи-ёшларимизнинг Ватанимиз тарихи, маданий меросимизга бўлган эътибори ва қизиқишлари ортганилигини кўрсатади. Амалга оширилаётган ишлар самараси шунда кўринмоқдаки, мазкур музей Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан «Амалий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишдаги фаол иштироки учун» фахрий ёрлиги, 2011 йилда Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика музейларни қўллаб-қувватлаш «Ўзбекмузей» жамғармаси томонидан «Йилнинг энг яхши музейи» махсус сертификати билан тақдирланди.

Нигора ТУЛАГАНОВА

Тadbирлар

САНЪАТНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимиз ўқув юрларидаги ўқитиш услубиятининг асосий устувор йўналишлари этиб ёшларда гўзалликка муҳаббат, миллий маданият ва санъат меросларини билиш ва ҳурмат қилиш туйғуларини шакллантириш ҳамда замонавий санъатнинг янги турлари билан таништириш вазифалари қўйилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу вазифалар ва ўқитиш услубида «Устоз шогирд» анъаналарининг кенг жорий этиш хусусида сўз борди.

Юртимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга, маънавий тарбиялашга, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ жуда катта эътибор берилмоқда. Бу борда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ишлари бўйича биринчи ўринбосари Бахтиёр Сайфуллаев, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев, маданият ва спорт ишлари вазирлиги таълим муассасалари бошқармаси бош мутахассиси Ботир Матёқубов ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиги Холида Аҳмедова сўзга чиқдилар.

Улар ўз сўзларида, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида маданият ва санъат соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон давлат санъат институти ва Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби олдиға қўйилган мақсад ва йўналишлар, уларнинг амалга оширилишида ютуқ ва камчиликлар хусусида сўз юритдилар. Биргина Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошида 21 та академик лицей ва коллежларнинг фаолият кўрсатишининг ўзи, санъат соҳасидаги ишларга юқори даражада эътибор қаратилаётганининг исботи эканлигини таъкидладилар.

Жумладан, улар талабалар ва ўқувчилар ўртасида иқтидорли ёшларни кашф

этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор республика танловлари ва фестиваллари ўтказилаётганлиги ва шулар орақали улар ўз ижодларини намоян қилиш ҳуқуқига эга эканликларини айтиб ўтдилар.

— Охириги ўн йил давомида 463 та соҳа бўйича ўрта махсус ва олий ўқув юрлари ёшлари дунёнинг турли мамлакатларида ҳамда юртимизда ўтказилган фестивал ва танловлар голиби бўлдилар, — дейди Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ўқув ишлари бўйича проректор Собир Жумаев.

— Шундан 127 нафари олий ўқув юрлари талабалари бўлса, 336 таси ўрта махсус ўқув юрлари ўқувчиларидир. Ҳозирги кунда 137 нафар иштирокчи «Нихол» мукофоти совриндори бўлган. Ижодий таълим муассасаларининг талаба ёшлари ҳам, «Барҳабт наволар» кўрик танлови, «Шарқ тароналари» Халқаро мусика фестивали каби йирик тadbирларда, «Навқирон Ўзбекистон» — анъанавий ва замонавий санъат фестивали, «Тошкентале», Тошкент Халқаро фотосуратлар биенналеси, Халқаро болалар расм биенналеси, «Топ-арт», «Тасвирий санъат +5» ҳафталиги ва бошқа жуда кўп фестивальлари голиблигини кўлга киритганлигини фахр билан айтишимиз мумкин. Анжуман доирасида ёшлар ижодида республика театрлар ва музейларнинг ўрни ҳақида ҳам сўз борди. Буғунги кунда республика миқёсида 37 та театр ва 113 та музей фаолият юритиб келмоқда. Улар нафақат ёш авлод, балки барчамизнинг маънавий савиямизни оширишда, маданий дам олишимизни таъминлашда ва ёшлар ижодида серқирв рақибларини кашф қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ва саволларга батафсил жавоблар кайтарилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KOC'HMMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, 28.10.2010 йилдаги 26505/2-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Феробий кўчаси, 1156-уй манзилида жойлашган, майдони 140,10 кв.м., 3 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган турар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 62 531 250 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Анжуманлар

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Миллий матбуот марказида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги устувор вазифалар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида эришилган натижалар ҳамда истиқболли режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинди ва ундан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига жохон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдан иборат эди. Шу муносабат билан ўтган йилги йил ичида соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган бир қанча меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Тadbирда ҳам асосан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, ОАВ ходимларига маълумотлар берилди.

— Мамлакатимизда ҳозирда жами 4214 та соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазир Адҳам Иқромов. — Шулардан 3192 таси кишлоқ врачлик пункти (КВП) бўлиб, жорий йилга қадар ҳамма КВПлар 99,6 фоизга замонавий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Республикаимизнинг 10 та вилоятида перинатал марказлари ташкил қилинди. Жойларда қизларнинг эрта турмушга чиқишини камайтириш, ногиронлиқнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, республикаимизнинг ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳомилдор аёлларга давлат томонидан кафолатли бепул поливитаминалар тарқатилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича жаҳонда энг нуфузли ташкилот — «Save the children» («Болаларни асрайлик») халқаро муассасаси томонидан тузилган бутун дунё рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи мамлакатлар ўнталигидан 9-ўринни эгаллади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинган ва соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, болалар саломатлиги, уларнинг келажаги, мамлакат ва халқнинг истиқболи йўлида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган давлат сиёсати нечоғли юқсоқ самаралар бераётганининг яна бир тасдиғидир.

Матбуот анжумани давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Нигора ЗОКИРХОН ҚИЗИ

«KOC'P TARMOQLI KOC'HMMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.08.2010 йилдаги 1-221/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Каримова кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган «ВАЗИР Д» МЧЖга қарашли бошланғич нархи 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34577 кв.м 12 та бино, 2 та бинонинг бир қисми ва 6та ишоотлардан иборат кўчмас мулклар (собиқ ТашОП) мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 11 ноябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида қўрсатилган кўчмас мулклар 2011 йилнинг 11 ноябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 30 ноябрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KOC'P TARMOQLI KOC'HMMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтохур филиалидаги 2020800104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қим ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2011 йил 9 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ўтказиш Комиссияси аъзолари ва тендерда қатнашишни хоҳловчилар ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2011 йил 4 октябрдаги 200-сонидан чоп этилган 2011 йил 17 ноябрь куни соат 10.00да Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ўтказиладиган очик тендер тўғрисидаги эълонда кўрсатилган 171М-сонли йўналишининг номи «Юнусобод мавзеси 10 даха — А. Қодирий боғи (Буёндор майдони орқали)», 90И-сонли йўналишининг номи «Карвон бозори — Дўмбировод мавзеси» деб ўқилсин.



Миллий қадриятларимизни эъозлаш, халқ ҳунармандчилиги намуналаридан завқланиш, уларни яратиш сир-синаотига қизиқиш бугунги кун ёшларига хос хислатлардир.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Бир куни Анушервон танҳо ўтирган эди. Шу орада унинг олдида Юнон, Муъбад, Фарруҳзода, Бузургмехр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинлар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик, токи сўзимиз бошқаларга ибрат бўлсин!

Сўнг Муъбадга қараб: — Сен нима дейсан? — деди. Муъбад деди: — Икки нарсаси борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар билимдан яхши, иш эса сўздан афзал.

Анушервон афзал. — Батафсил тушунтир! — деди. Муъбад давом этди: — Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабилдир.

Анушервон Хуршидга қараб: — Сен нима дейсан? — деди. Хуршид: — Жаҳонда икки нарсаси борки, ҳеч нараси ўша икки нарсадан яхши эмас, биринчиси — хурсандчилик, иккинчиси — беозорлик! — деди.

Анушервон: — Кенгроқ тушунтир! — деди. Хуршид: — Ҳар ким бориға қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи қолмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, ҳеч кимдан хаф этмайди! — деди.

Анушервон Бузургмехрга қараб: — Сен нима дейсан? — деб сўради. Бузургмехр: — Эй Анушервон, одамлар куйидаги нарсаларга амал қилмасалар ҳеч қачон хурсандчилик юзини кўрмайдилар: масалан, бориға қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсаларига интилса, бировнинг қўлидаги нарсаса таъма кўзи билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан ҳам кенгроқ тушунтиришини сўради, у деди: — Хурсанд шундай кишики, нима топса, ўшанга қаноат қилади, топангига шукр қилиб, умрини ҳамсиз ўтказиши. Таъма ва очқўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Таъмагир ва очқўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳаммаша кўнгли иллатли бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонлиқдан омон бўлади. Жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб: — Сен нима дейсан? — деди. Юнон шундай деб жавоб қилди: — Етти нарсаси борки, ҳар ким бу етти нарсасига амал қилса, дунёда яхши отли бўлади. Биринчи — дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчи — ўз ватанида бўлса, учинчи — одил бўлса, тўртинчи — сабрли бўлса, бешинчи — қайсар бўлмаса, олтинчи — фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилса, еттинчи — камтар бўлса!

Анушервон Юнондан ҳам бу сўзларни кенгроқ тушунтиришини сўради. Юнон деди: — Маслаҳат марваридга ўхшайди, одамларни тош деб ҳисобланса, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқиши мумкин. Ишчи ўз жойида муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етади. Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш қалитидир. Қайсарлик эса энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини кўзготадиган ёқимли одатдир!

Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

(Давоми бор)

Спорт янгиликлари

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида 2012 йили бўладиган Осиё чемпионатида чиқиш учун пойтахтимизда ўтказилаётган саралаш мусобақасининг «С» гуруҳида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси икки ғалабадан сўнг турнир жадвалида биринчи ўринга кўтарилди.

киритиб, мухлис мутахассисларни хушнуд этди.

Ушбу учрашувда терма жамоамизнинг икки ҳужумчиси – Шоҳжаҳон Аббосов ва Муҳиддин Одилов тўпурарлик қобилиятини намойиш қилди. Аввалги учрашувда «хет-трик»ка эришган Шоҳжаҳон бу сафар ҳиндистонликлар дарвозасини тўрт маротаба ишғол қилди ва икки ўйинда жами еттига гол урди. Саралаш мусобақасида дастлабки учрашувини ўтказган Муҳиддин эса беш дақиқа ичида рақиб дарвозасини уч маротаба ишғол қилди. Терма жамоамизнинг қолган голлари Иброҳим Абдуллаев ва Алишер Мирзаев ҳисобига ёзилди.

«С» гуруҳида олти очко билан пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учинчи тур учрашувини 7 октябрь куни Баҳраин футболчиларига қарши ўтказди.

Кейинги йилларда ёш авлоднинг саломатлиги, спорт билан мунтазам шуғулланиб, яхши натижаларга эришиши йўлида яратилган қўлай шарт-шароит ва катта эътибор туфайли улар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро майдонларда нуфузли ўринларни забт этишмоқда.

КУЧЛИЛАР ГОЛИБ БЎЛДИ

Куни кеча мана шундай юксак натижаларни қўлга киритган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Германиянинг Хайденау шаҳрида бўлиб ўтган 3-халқаро мусобақада 5 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга кириб, юртимизга ёруғ юз билан қайтдилар. Спортнинг самбо тури бўйича ўтказилган ушбу мусобақада саккизта давлат вакиллари иштирок этиб, ўз вазн тоифаларида голиблик шохсупаси учун кураш олиб бордилар. 10-16 ёшли ўсмир-ёшлар ўртасида бўлиб ўтган ушбу беллашувда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Хамза туманидаги 61-мактаб ўқувчиси Евгений Шербаков (53 кг), Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчиси Исроил Абдуллаев (41 кг), Мирзо Улуғбек туманидаги 71-мактаб ўқувчиси Евгений Туранов (49 кг), Хамза туманидаги 307-мактаб ўқувчиси Владимир Хегайлар (53 кг) бор имконият ва иттидорларини намойиш этиб, рақиблари устидан ғалаба қозондилар. Улар 1-ўринни забт этиб, олтин медалларни қўлга киритдилар.

Шоҳиства МУҲСИМОВА

ника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга ҳамюртимиз мусобақадаги учинчи жангида германиялик тахрибали боксчи Эуген Бурхардтни 8:7 ҳисобида доғда қолдирди. Унинг кейинги рақиви бразилиялик Робсон Консейсао бўлади.

Енгил вазни боксчилар беллашувида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган яна бир ёш боксчиси Жасурбек Латипов ҳам кетма-кет учинчи ғалабасини нишонлади. Спортчимиз бу гал шведиялик Саломо Нтувени 10:7 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқиш учун италиялик Винченцо Рикарди билан беллашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

ТЎРТ НАФАР БОКСЧИМИЗ ОЛИМПИА ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Дунёнинг бир юз ўндан зиёд мамлакатидан олти юз нафара яқин боксчи иштирок этаётган жаҳон чемпионатида 81 килограмм вазн тоифасида голибликка давбоғарлик қилаётган ҳамюртимиз Элшод Расулов нимчорак финал учрашувида бразилиялик Ямагучи Фалкаодан 17:12 ҳисобида устун келди. Ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган терма жамоамиз сардори кейинги жангда эронлик Эҳсон Рўзбахоний билан куч синашди.

Яна бир тахрибали боксчиси Орзубек Шоимов жаҳон чемпионатининг нимчорак финал учрашувида молдовалик Вячеслав Гоянни 13:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳамюртимиз ярим финал йўлланмаси учун ўтказиладиган кейинги жангда ирландиялик Жон Невин билан рақобатлашади.

Жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашаётган 20 ёшли Фазлиддин Ғоибназаров ўз маҳорати билан мухлис ва мутахассислар эътиборини қозонмоқда. Юқори тех-

ника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга ҳамюртимиз мусобақадаги учинчи жангида германиялик тахрибали боксчи Эуген Бурхардтни 8:7 ҳисобида доғда қолдирди. Унинг кейинги рақиви бразилиялик Робсон Консейсао бўлади.

Енгил вазни боксчилар беллашувида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган яна бир ёш боксчиси Жасурбек Латипов ҳам кетма-кет учинчи ғалабасини нишонлади. Спортчимиз бу гал шведиялик Саломо Нтувени 10:7 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқиш учун италиялик Винченцо Рикарди билан беллашадиган бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Қатрallar

ОҒИР ЮК
Ишхонадаги дўстларимдан бири ғазаб билан гапирётган экан, аста келиб елкасига қўлимни кўйдим.
Сўнг:
— Юкни ташла! — дедим.
— Наридан, — деди у жаҳлдан тушмай, — ўзим ўлай деб турибман-у сен ҳазил қиласан!
— Улмагин, деб юкнинг ташла, даяпман-да!
— Қанақа юк?!
— Ҳиммаган экансан-да! Бир ҳақимдан «Дунёда энг оғир юк қайси юк?» деб сўрабдилар. «Ғазаб юки», деб жавоб берибди у оқил.
Биродар, ғазаб асабнинг кушандаси ва юракнинг эгиси. Одамнинг ақли ғазабини босишда билинади. Ҳақимлар: «Жанг майдонини душманни енгган паҳлавон эмас, ғазабини босолган паҳлавондир», деганлар. Кел, бугун бир паҳлавонлигингни кўрсат! У тезда ғазабдан тушди ва лабларида табассум пайдо бўлди.

ВАҚТИНЧА РОҲАТ

Инсонга яхшилик қилиб, кўнглини топиш қанчалик мушкул бўлса, аксинча, ёмонлик қилиш шунчалик осон. Яхшилик қилувчи, лозим бўлса, ўз фойдаси ва қимматли вақтидан кечиши, сабрни ўзига байроқ қилиб олиши лозим.
Ёмонлик қилувчи шайтоний васваса туфайли бировга берган азобидан вақтинча роҳатланади-ю бу роҳат ўзига тонналаб азоб бўлиб қайтишини билмайди.
Шайтоннинг «Ҳозирги хузурингни ўйла», деганига лажиллашнинг касофати бу!

ҲАЁТНИ ЎРГАНИШ

— Ҳаётни кимдан ўргандинг? — сўрашди бир билимдондан.

— Кўзи ожиздан.
— Қандай қилиб?
— Кўзи ожиз юрадиган йўлини ҳассаси билан текшириб кўради, кейин қадам босади. Мен ҳам қиладиган ишларимни аввал ўйлаб кўрдим, кейин мақсад сари интилдим. Шу сабабли ҳаётимда қоқилганим йўқ.

ТОШЮРАК

Чағир тошли йўлларда, майли, товонларим тешилинсин. Чўчимайман. Шифоси бор. Тошзиналардан тойилиб лат еса оёқ ё белим, давоси бор. Тоғу тошларга урилиб гурра бўлса-чи азиз бошим? Рухим тушмас, топилгай даво. Ёдимга тушиб қолсачи тошюрак?! Дераза ойнаси дириллагандек титроққа тушади юрагим! Ё Раб, дуч келиб қолсамчи тошюракнинг ўзига?! Қалбим ойнаси дарз кетиши мумкин, бу дарзни чегалаб бўлмас.
Сўровим шу Аллоҳдан: тошюракдан ўзинг асрагин доим!

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Кейинги йилларда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, урф-одатларимизни асраш ва ўрганиш, халқ амалий санъатини аянда ривожлантириш долзарб вазифага айланди. Халқ амалий санъатининг қадимий шакллари билан бўлган каштачилик ҳам эътибор марказида қарор топиб, соҳани ривожлантиришга кенг йўл очилди.

Кўрғазмалар

НАФИС РАНГЛАР ЖИЛОСИ
Бугунги кунда каштачилик мактаблари ташкил этилиб, халқ ҳунармандлиги сир-синаоти ёшларга ўргатилмоқда.
Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият қарвон саройида Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги 9-сонли мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Марҳабо Магдиеванинг «Аъñana ва қадриятлар бешиги — Ватан» номли шахсий кўрғазмаси очилди. Марҳабо ёшлигидан каштачилик-зардузликнинг ўзига хос нозик сирларини қўнт билан ўрганди.
— Каштачиликни қалб гўзаллиги руҳиятидаги соқинлик, инсон ботинидаги хис-ҳаяжонни ифodalовчи бир восита деб ҳисоблайман, — дейди Марҳабо. — «Товус», «Анор», «Баҳор гуллари», «Тумор» номли сўзаналарим замирида рамзий маъно ва ишоралар мужассамлашган бўлиб, улар нафис ва нозик туйғулар ҳосиласидир.
Каштачи-рассом Марҳабо Магдиева ижодиди қадимий Бухоро каштачилик мактабининг ўзига хос йўналишлари акс эттирилган кўрғазма томошабинларда катта таассурот уйғотди.

Шоҳсанам УСАНОВА



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2879 нуска босилади.
Қоғоз битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.